O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar
**H O K I M I**

Узбекистон Республикаси
Самарканд вилояти
Каттакургон шахар
**Х О К И М И**

69

O'zbekiston Respublikasi Samarqand viloyati Kattaqo'rg'on shahri

# Q A R O R

«10» октябр 2008 yil № 528-К

Каттакургон шахар Гранд Транс ММТП худудида
фукаро Эшмурзаев Тошпулатга фермер хужалиги
ташкил этиш учун ер ажратиб бериш тугрисида

Узбекистон Республикасининг «Фермер хужалиги тугрисида» ги конунга, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004-2006 йилларда фермер хужаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тугрисида» ги Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли, Узбекистон Республика Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги «2007 йилда кишлок хужалик корхоналарини фермер хужаликларига айлантириш чора-тадбирлари тугрисида» ги ПК-514 сонли карорига, вилоят хокимининг 2004 йил 28 декабрдаги 266-К сонли «2005-2007 йилларда фермер хужаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тугрисида» ги карори, Пастдаргом тумани Чимбой КФЙ Кораянток кишлогида яшовчи фукаро Эшмурзаев Толшпулатнинг 2008 йил 20 сентябрдаги № 25 – сонли ер олиш тугрисидаги аризасини инобатга олиб

## К А Р О Р  К И Л А М А Н

1. Каттакургон шахрида ер майдонларини ажратиш масалалари билан доимий шугуланвчи шахар хокимлиги комиссиясининг 2008 йил 20 сентябрдаги хулосаси тасдиклансин.
2. Фермер хужаликларига айлантириш буйича комиссия йигилишининг 2008 йил 26 сентябрдаги танлов голиби Эшмурзаев Тошпулатга фермер хужалиги ташкил этиш учун № 305 – 316 контурлардан жами 66 га шундан каналлар ва йуллар 08 га бошка ерларга 2,5 гектар ер майдони 50 (эллик) йил муддатга ижарага берилсин.
3. Шахар Ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмат бошлиги ( К. Ахмедов) га Эшмурзаев Тошпулатга ер ажратиб бериш билан боглик хужжатларни расмийлаштириш хамда ердан фойдаланишни назорат килиб бориш вазифаси топширилсин.
4. Фермер хужалиги ташкил этиш билан боглик барча хужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш шахар хокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини руйхатдан утказиш инспекциясига топширилсин.
5. Эшмурзаев Тошпулатга туман солик инспекцияси, статистика булими, ижтимоий сугурта жамгармаси, шахар Кишлок ва сув хужалик булимига хисобот бериб бориш вазифаси топширилсин.
6. Ушбу карорни бажарилишини назорат килиш шахар Кишлок ва сув хужалиги булими бошлиги в/б Н. Шакаров зиммасига юклатилсин.
7. Ушбу карорни тасдиги Вилоят хокимлигидан суралсин

**Шахар хокими:** **Ф. Зайнуддинов**